

# **Коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш масаласи юзасидан давра суҳбати ўтказилди**



Термиз тумани ҳокимлиги кичик мажлислар залида Коррупцияга қарши курашиш туман комиссияси аъзоси Одил Яқубов иштирокида Давлат фуқаролик хизматчиларига “Коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида иштирокчиларга давлат фуқаролик хизматчилари фуқаролар ёки бевосита бошқа манфаатдор шахслардан муайян ишни ҳал қилиб бериш ёки келгусидаги манфаатлар учун совға олиши тақиқланиши ҳамда давлат фуқаролик хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмаслигига таъкидлаб ўтилди.